

## Такрорий Экинларнинг Кузги Буғдойнинг Ўсув Даври, Дон Хосили Ва Сифатига Таъсири

Тураев У. У<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Бухоро вилояти шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида такрорий экинларнинг кузги буғдойнинг ўсув даври, дон хосили ва сифатига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Кузги буғдой, такрорий экин, тарик, маккажӯхори, ловия, мош, оқжӯхори, ривожланиш фазаси, ўсув даври, ҳосилдорлик, дон сифати.

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунё дехқончилигига дон, хусусан 2023 йилда ялпи буғдой етишириш бўйича 806,1 млн тоннага тенг бўлган бўлса, 2024 йилда 788,1 млн тоннани ташкил этган ва бир йилда 18,0 млн тоннага камайганлиги кузатилган. 2024 йилда ялпи дон ҳосили 2850,4 млн. тонна донли экинлар ҳосили етиширилган бўлиб, шундан 27,6 фоизи буғдой дони ҳиссасига тўғри келади [7]. Дон ҳосилдорлигини ошишига асосан янги навларни жорий этиш, маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш, етишириш агротехнологияларини такомиллаштириш орқали эришилмоқда. Интенсив дехқончилик шароитида Осиё мамлакатларининг сугориладиган ерларида йилига икки марта ҳосил олиш имконияти мавжуд.

Сугориладиган ерлар шароитида бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд бўлиб, шўрланган ерларда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда мақбул такрорий (анфизга экиладиган) экинларни танлаб экиш жуда муҳимдир. Буғдойнинг экологик шароитларга мос навларини танлаш, етишириш технологияларини мақбуллаштириш каби вазифалар кенг миқёсда ўрганилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, шўрланган ерларда ўтмишдош такрорий экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш амалиётга жорий этиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот услублари.** Илмий тадқиқотлар Бухоро вилояти Олот тумани ҳудудида жойлашган “Нарзи ойим” фермер ҳўжалиги ўртача шўрланган ўтлоқ-аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилди. Тажрибадаги ҳар бир экин тури бўйича 6 тадан вариант олиниб, умумий делянкалар сони 24 та. Ҳар бир тажриба бўлакчасининг узунлиги 80 м., эни 3,6 м. Ҳар бир тажриба бўлакчасининг майдони 288 кв.м.ни ташкил этган. Тажриба тўрт қайтариқда ва икки ярусада жойлаштирилди. Тажрибаларда қишлоқ ҳўжалик экинлар парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган агротехник тадбирлар асосида олиб бажарилди.

Қишлоқ ҳўжалик экинларининг Республикализ сугориладиган ерларида экиш учун Давлат реестрига киритилган навлари (кузги буғдойнинг Алексеевич, тарикнинг Саратовское 853, ловиянинг Равот, мошнинг Дурдона, оқжӯхорининг Ўзбекистон 5 навлари ва маккажӯхорининг Молдавский 215 АМВ дурагайи) тажриба обьекти ҳисобланади. Тажрибани жойлаштириш, ҳисоб ва таҳлиллар, фенологик кузатув ишлари ЎзПТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланилди [4]. Ҳосилдорлик бўйича олинган малумотларни дисперцион таҳлили Б.А.Доспехов бўйича аниқланди [1].

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Кузги буғдойдан сугориладиган ерларда мўл ва сифатли ҳосил олишда уруғларни қийғос ундириб олиш ҳамда етарли миқдордаги туп сонини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> мустақил изланувчи, Тиқхмми Мту Бухоро Табиий Ресурсларни Бошқариш Институти, Бухоро



Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, буғдой уруғларининг дала унувчанлиги ўтмишдошларини нотўғри танланиши, ноқулай об-ҳаво шароити, экиш муддатини, экиш чуқурлигини белгилашдаги хатоликлар, тупроқда етарли намликтининг бўлмаслиги, тупроқни экишга яхши тайёрламаслик ва бошқа омиллар таъсирида пасаяди ҳамда лаборатория унувчанлигидан доимо паст бўлади [2;3;5;6].

Тажрибаларимизда ҳам кузги буғдой тақорорий экинлардан сўнг экилганда, тақорорий экинлар ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошиб бориши ҳамда улар томонидан тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳисобига тупроқда намликтини етарлича бўлишини таъминлаши, шу туфайли, кузги буғдой уруғлари дала унувчанлиги ловия ва мош экилган варианtlарда ижобий натижаларга эришилганлиги кузатилди. Тажриба ўтказилган йилларда кузги буғдой (назорат тақорорий экин экилмаган) ва тариқ, маккажўхори, ловия, мош ҳамда оқжўхоридан сўнг экилган варианtlарда униб чиқиши тупроқда етарлича намликтини сақланиб қолиш эвазига 8 кунга тўғри келиб, бу кўрсаткич эса назоратга нисбатан унувчанлиги даражаси ҳам сезиларли даражада фарқ бўлмаганлиги кузатилди. Кузги буғдойнинг дала унувчанлиги ўртача кузги буғдой назорат (тақорорий экин экилмаган) вариантида 87,3 %, тариқда-88,0 %, маккажўхоридан сўнг 89,2 %, ловия ва мошдан кейин 90,1-90,4 %, оқжўхоридан сўнг 88,2 % ни ташкил этди.

Тақорорий экинлар таъсирида кузги буғдойнинг дала шароитида униб чиқиши яъни унувчанлиги ҳам қисман фарқ қилди, қулай тақорорий экинлардан кейин кузги буғдой экилиши натижасида тупроқ унумдорлиги ва унинг хусусиятларини ижобий томонга ўзгариши натижасида кузги буғдойнинг дала унувчанлиги ловия ва мош каби ўтмишдош тақорорий экинларда нисбатан кам юқори бўлиши кузатилди. Униб чиқиши-тупланиш даври 21-22 кунни ташкил этиб, варианtlар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада бўлмаганлиги аниқланди.

Униб чиқищдан найчалаш давридаги фарқ назорат кузги буғдой вариантида 175-176 кунни ташкил этган бўлса, тариқдан сўнг кузги буғдой экилганда 176-177 кун, маккажўхорида 178-179 кун, ловияда 179-180 кун, мошда 180-181 кун, оқжўхоридан сўнг ўртача 178 кунга teng эканлиги кузатилди. Униб чиқищдан бошоқлашгача бўлган даврда варианtlар орасидаги 4-6 кун фарқ қилди. Шунингдек гуллаш ва бошоқлаш фазалари ҳам 4-6 кун фарқ қилди.

Униб чиқищдан тўлиқ пишишгача бўлган давр оралиғи ўртача назорат кузги буғдой экилган вариантида 241 кунга teng бўлган бўлса, тариқда-242 кун, маккажўхорида 244-кун, ловиядан сўнг кузги буғдой экилганда 246 кунга, мош 246 кунга тўғри келди. Тажрибалар ўтказилган йиллардан 2022 йилда барча варианtlарда найчалаш, бошоқлаш, гуллаш ва тўлиқ пишиш фазалари 1 кунга қисқарди ёки эрта пишиши аниқланди.

Ташки мухит омиллари ёки қўлланилган технология кузги буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Кузги буғдой навларининг биологик хусусиятларига мос етишириш технологияси қўлланилганда энг юқори ва сифатли дон етишириш мумкин. Қўлланилган етишириш технологияси кузги буғдойни оргоногенезининг босқичларида унинг ҳаётий омилларга бўлган талабини оптималь даражада қондириши талаб қилинади. Кузги буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатига сезиларли таъсир кўрсатадиган мухим технологик усулларга ўтмишдошларни киритиш мумкин.

Ҳосилдорлик маълум бирлиқдаги ўсимликлар ҳосилининг йиғиндисидир. Кузги буғдой ҳосилдорлиги, аввало, ўтмишдош экинларга боғлик равишда ўзгариб боради, яъни қулай ўтмишдош тақорорий экинлар таъсирида тупроқда қолдирган озиқа моддалар ҳисобига унинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларини юқори бўлишига олиб келади. Шундан келиб чиққан холда, тупроқ унумдорлигини ошириш ва кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида қулай ўтмишдош тақорорий экинларни танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибаларимизда назорат вариантига, яъни буғдойдан кейин тақорорий экин экилмай буғдой экилган вариантига нисбатан тариқ экилган вариантида ҳосилорлик гектарига 3,9 центнерга, маккажўхори экилган вариантида 5,9 центнерга, ловия экилган вариантида 9,6 центнерга, мош экилган вариантида 10,8 центнерга, оқжўхори экилганда 7,0 центнерга юқори ҳосил олинди.



Буни тақорий экинлар экилган вариантлар бўйича тупроқда қолдирган илдиз-анғиз таркибидаги озиқа моддалар миқдори билан изоҳлаш мумкин. Қулай тақорий экинлар мош ва ловия экинлари таъсирида тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиклари ҳисобига ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланди.

Кузги буғдой дон сифатининг физикавий кўрсаткичлари 1000 та дон массаси, доннинг шишасимонлиги, натураси ҳажмий оғирлиги, (г/л) ҳисобланади. Тадқиқотларимизда кузги буғдой донининг физикавий сифат кўрсаткичлари тақорий экин турларига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Айрим селекция йўналишидаги илмий манбаларда 1000 та доннинг массасини ҳосил структураси таркибий элементлари деб ҳисоблашса етиштириш технологиясига оид илмий ишларда доннинг сифат кўрсаткичларига киритишади. Сабаби 1000 та доннинг массасига дондан уннинг чиқими ва бошқа доннинг технологик сифат кўрсаткичларига боғлиқ.

Тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича пайкалларда 1000 та доннинг массаси тақорий экинларга боғлиқ ҳолда 41,0 дан 42,1 гача ўзгариши аниқланди. Энг юқори 1000 та доннинг массаси мошдан сўнг экилган вариантда кузатилди. Доннинг сифат кўрсаткичларидан бири шишасимонлик тажрибаларимизда тақорий экинлар кесимида 59 дан 65 % гача ўзгарди. Ўрганилган тақорий экинлар бўйича энг юқори доннинг шишасимонлиги мошдан сўнг экилган кузги буғдойда 65 % бўлиши кузатилди. Доннинг ҳажмий оғирлиги бўйича кўрсаткич дон натураси тажрибамизда тақорий экинларга боғлиқ ҳолда 810-825 л/га ўзгариб борди. Назорат пайкалларида доннинг ҳажмий массаси тақорий экинлардан сўнг экилган пайкаллардагига нисбатан кам бўлиши аниқланди.

Кузги буғдой донининг асосий сифат кўрсаткичлари ҳисобланган дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори тажрибаларимизда тақорий экинларга боғлиқ ҳолда ўзгарди. Дон таркибидаги оқсил миқдори тадқиқотларимизда назорат пайкалларида тақорий экинларга нисбатан кам бўлди ва тақорий экинларга боғлиқ ҳолда 12,8 дан 13,2 % гача ўзгарди.

Дон таркибидаги клейковина миқдори билан оқсил миқдори узвий боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Тадқиқотларимизда дон таркибидаги клейковина миқдори тақорий экинларга боғлиқ ҳолда 27,5 дан 30,7% гача ўзгарди. Тақорий экинлар дуккакли дон экинлари ловия ва мош кузги буғдой дон таркибидаги клейковина миқдорига ижобий таъсир кўрсатди.

Тақорий экинлар дуккакли дон экинлари ловия ва мошдан сўнг кузги буғдой экилганда буғдой донидаги оқсил ва клейковина миқдори ошганлиги аниқланди. Дон тракибидаги оқсил миқдори юқори бўлган вариантларда оқсилнинг ортиши, доннинг натураси ортиши билан эса дон таркибидаги углеводлар, оқсиллар, ёғлар, минерал моддалар ва клечатканинг ортганлиги кузатилди.

**Хулоса** ўрнида айтиш мумкинки ўсув даврининг бирмунча бўлсада узайиши, ўсимликни намлик, озиқ моддалар билан етарли даражада таъминланиши, органик моддаларни тўпланишига мақбул шароит бўлганлиги ҳисобига ўзгариб, кузги буғдой назорат (тақорий экин экилмаган) вариантида 240-241 кунни, тақорий экинлар ловия, мошдан сўнг кузги буғдой экилган вариантларда ўсув даври 245-246 кунгacha ёки 4-6 кунга узун бўлиши кузатилди. Донли экинлар тарик, маккажӯхори ва оқжӯхори экилган вариантларда эса, тупроқдан кўп миқдорда озиқ моддаларни бир томонлама ўзлаштириши ва тупроқдаги намликни камайиши таъсирида кузги буғдойни ўсув даври назорат вариантга нисбатан 1-4 кунга фарқ қилганлиги аниқланди.

Кузги буғдой тақорий экини сифатида дуккакли-дон экинлари яъни ловия ва мош экинидан сўнг экилганда мос равища ўртacha юқори 70,2-71,4 ц/га дон ҳосили олиниб, назорат вариантига нисбатан 9,6-10,8 ц/га қўшимча дон ҳосили олинганлиги аниқланди бу эса об-ҳаво шаротиларига ҳамда мақбул тақорий экин турларига боғлиқлигини билдиради.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М: «Колос», 1985. - 317 с.
2. Бобомирзаев П.Х. (2017). Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш. Тошкент: ПСУЕАИТИ, 62.
3. Aripov R., Bobomirzaev P.X., Rahimov A. "The sowing term quality of solid wheat."The Journal of Agriculture of Uzbekistan 4 (2010): 11p.
4. Нурматов ва бошқалар. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланма. ЎзПИТИ. Т. 2007. -Б. 146.
5. Rustamov, M., Bobomirzayev, P., Fayzimurodov, J. (2022). Kuzgi yumshoq bug'doyning "Jasmina" navi don hosildorligiga ekish meyorlarning ta'siri. Academic research in educational sciences, (Conference), 258-263.
6. Каршиев, А. Э., Бобомирзаев, П. Х. (2022). Роль сорта, сроков и норм посева в технологии выращивания твердой пшеницы на богарах. Журнал Актуальные проблемы современной науки, Москва, 4(127), 44-47.
7. <http://www.fao.org/worldfoods situation/csdb/ru/>

